Адл ила олам юзин обод қил

Куч–адолатда

2020 йил
21 февраль,
жума
№ 8 (781)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси • http://www.sud.uz • 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ДЕВОНИ ХАЛҚ КУТУБХОНАСИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари, азиз қардошим!

Ҳурматли тадбир иштирокчилари!

Хонимлар ва жаноблар!

Авваламбор, мана шундай ғоят муҳим ва шукуҳли маросимга таклиф қилганлари учун Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған Жаноби Олийларига, муҳтарама Эмине Хоним Олияларига, қардош турк халқига чин қалбимдан миннатдорчилик изҳор этаман.

Муҳтарам дўстлар!

Дунёдаги ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат биринчи навбатда ўзининг интеллектуал салоҳияти, юксак маънавияти билан қудратлидир. Бундай енгилмас куч манбаи эса, аввало, инсоният тафаккурининг буюк кашфиёти — китоб ва кутубхоналарда, десак, адашмаган бўламиз.

Барчангизни қадрли биродарим Эрдоған Жаноби Олийларининг ташаббуси ва раҳнамолигида барпо этилган Туркия Президенти девонининг Халқ кутубхонаси билан самимий мубораклаб этаман.

Қадимий ва замонавий меъморчилик анъаналари, муҳандислик санъатининг энг сўнгги ютуқларини, турк халқининг буюк ўтмиши, бунёдкорлик салоҳияти, бой маънавий оламини ўзида ёрқин мужассам этган бу маҳобатли кошона ҳар қандай юксак таҳсинга муносибдир.

Агар азим Анқара Туркия мамлакатининг тожи бўлса, ушбу кутубхона ана шу тожга ўрнатилган энг ёрқин, энг гўзал гавҳарлардан бири бўлибди.

Бу тенги йўқ маърифат қасри барчангизга, бутун Туркия халқига муборак бўлсин.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Биз Туркия Республикаси Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олганини ҳамиша миннатдорлик билан эслаймиз.

Бугунги кунда гўзал мамлакатингиз улкан сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий салоҳиятга эга бўлган давлат сифатида дунёда тобора равнақ ва шуҳрат топиб бормоқда.

Замонамизнинг йирик давлат ва сиёсат арбоби Режеп Таййип Эрдоған Жаноби Олийлари раҳбарлигида Туркия халқи эришаётган барча ютуқлар замирида, авваламбор, инсон омилига, илм-маърифатга беқиёс эътибор мужассам эканини биз яхши биламиз. Сизларнинг бу борадаги ноёб тажрибангизни ўрганишга доимо интиламиз.

Сўнгги йилларда икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси ва халқларимизнинг қўллаб-қувватлаши билан дўстлик ва ҳамкорлигимиз тарихида мутлақо янги саҳифа очилди. Кеча бўлиб ўтган Олий даражадаги стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши бу йўлдаги янги амалий қадамдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон Туркий тилли давлатлар Ҳамкорлик кенгашига қўшилди. Биз барча аъзо мамлакатлар қатори Туркия билан муносабатларимизни янги босқичга кўтариш учун фаол ҳаракат қилмоқдамиз. Давлатларимиз ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, транспорт ва коммуникация, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик жадал ривожланмоқда.

Илм-маърифат ва китобхонлик маданиятига бўлган катта қизиқиш ва эътибор халқларимизни ўзаро яқинлаштирадиган бебаҳо қадриятдир.

Мамлакатимизда 2020 йилни **"Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"** деб эълон қилганимиз "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари" деган улуғвор ғоямизга тўла мос келади.

Азиз қардошлар!

Тарих саҳифаларига назар солсак, халқларимизнинг маданий ҳамкорлиги олис даврлардан бошланганига гувоҳ бўламиз. Рум элида туғилиб камолга етган Қозизода Румий буюк давлат арбоби ва аллома Мирзо Улуғбек расадхонасининг асосчиларидан бири бўлганини биз ифтихор билан эслаймиз.

(Давоми 2-бетда) ▶

Мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқларининг қўллаб-қувватланиши ва уларга берилаётган имтиёзлар натижасида халқимизнинг турмуш фаровонлиги кундан-кунга юксалиб бормоқда. Албатта, бу соҳадаги натижаларни солиқ тизимидаги ислоҳотларсиз тасаввур қилиш қийин.

Қонун моҳияти

Янги солиқ кодекси

миллий тараққиётимизда қандай аҳамиятга эга?

Юртимизда ўз тадбиркорлигини ташкил этаман, деган фуқаро ёки миллий иқтисодиётимизга сармоя киритадиган инвестор биринчи навбатда, солиқ имтиёзларига, бу борадаги сиёсатнинг самарадор ва адолатли эканига эътибор қаратади.

Агар давлатнинг солиқ тизими бугунги кун талабларига жавоб бермаса, тадбиркорлар яширин фаолият юритиш йўлига ўтади. Афсуски, бу ҳолат уларнинг солиқлардан қочишига олиб келади.

Бунинг оқибатида коррупция ривожланади. Иқтисодиётнинг ривожланишига жиддий путур етади.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасида қайд этилганидек, янги таҳрирдаги Солиқ кодексида мамлакат тараққиётининг таянчи бўлган инсофли солиқ тўловчиларни рағбатлантириш, яширин фаолият юритаётганларнинг қонуний фаолият юритиши учун шарт-шароитлар яратиш шарт. Токи фуқароларимиз солиқдан қочмасинлар, балки уни вақтида тўлашдан манфаатдор бўлсинлар.

(Давоми 3-бетда) ▶

ҲАР ҚАЙСИ ДАВЛАТ, ҲАР ҚАЙСИ МИЛЛАТ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИ, ЮКСАК МАЪНАВИЯТИ БИЛАН ҚУДРАТЛИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг таклифига биноан 19-20 февраль кунлари ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 февраль куни Анқара шаҳрида Туркиянинг етакчи компаниялари ва банклари раҳбарлари билан учрашди. Тадбирда Туркия савдо палаталари ва биржалари уюшмаси, Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги, "Гебзе" уюшган саноат зонаси, "Зираат" банки, "Зорлу холдинг", "Жошкуноз холдинг", "Экзачибаши", "Байкар", "Дунягоз", "Канимед саглик", "Бау глобал", "Хавелсан" каби қатор компаниялар вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистонда қулай бизнес муҳитини яратиш бўйича қилинаётган ўзгаришлар ва хорижий инвесторларга яратиб берилаётган шарт-шароит ва имкониятлар туркиялик ишбилармонларнинг юртимизга қизиқишини оширди. Жумладан, охирги йилларда ўзаро савдо ҳажми икки баробардан зиёдга ортди. Қўшма ширкатлар сони салкам мингтага кўпайди. Транспортда ташиш қўламлари жадал кенгайиб бормоқда.

Бугунги кунда Туркия компаниялари мамлакатимизда қурилиш, энергетика, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, туризм, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларда фаолият юритмоқда. Бунда қўшма сармоявий лойиҳалар ижроси назоратга олингани, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарида юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш рағбатлантирилаётгани муҳим омил бўлмоқда.

Масалан, 2019 йилда Туркиянинг "Calik Enerji" компанияси иштирокида Навоий иссиқлик электр станциясининг иккинчи буғ-газ қурилмаси ишга туширилди.

Мамлакатимизда 1993 йилдан буён ваколатхонаси фаолият кўрсатаётган Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги юртимиздаги тиббиёт ва таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиги ҳамда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга йўналтирилган қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилишида фаол қатнашиб келмоқда.

Ўзбекистонга қизиқиш билдираётган турк компаниялари тиббиёт, таълим, машинасозлик каби соҳаларга инвестиция киритиш, халқаро сифат стандартларини жорий этиш орқали юқори саноатлашган маҳсулотлар ишлаб чиқариб, учинчи давлатларга экспорт қилишни режалаштирмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда бизнес муҳити ўзгаргани, бюрократияга барҳам берилгани, хорижий инвесторларга эшиклар очилгани, уларга эркин ишлаши учун кафолат берилишини таъкидлади. Жумладан, Ўзбекистонда инвесторларга худди Туркиядаги каби барча шароитлар яратиб берилишини қайд этди.

— Ўзбекистон кечаги Ўзбекистон эмас. Бугун мамлакатимизга кирган компания албатта манфаат топади. Мен бунга кафолат бераман. Бунинг учун зарур ҳуқуқий, институционал шароитлар яратиб берилади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ўтган йили инвестиция бўйича қонун қабул қилинди. Бу қонун билан эндиликда Ўзбекистонда инвесторларнинг барча ҳуқуқлари ҳимоя қилинади.

Президентимиз эндиликда туркиялик ишбилармонлар билан мунтазам мулоқот олиб борилиши, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигида 5 нафар ходим фақат инвестиция бўйича ишлашини таъкидлаб, турк тадбиркорларини фаолликка чорлади.

Учрашувда келишувлар ва имзоланган битимларни кенг кўламда амалга ошириш, савдо, инновация, энергетика, инфратузилмани ривожлантириш, транспорт, туризм, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати, бошқа тармоқларда қўшма лойиҳаларни фаол илгари суриш муҳимлиги таъкидланди.

Туркиялик ишбилармонлар ўтган йили Ўзбекистонга боргани, иқтисодиётнинг барча тармоқларида ўзгаришларга, одамларда "ислоҳотлар тафаккури"га гувоҳ бўлганини таъкидлади. Ўзбекистон бозорига кириш, ҳамкорликда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш ниятида эканини билдирди.

Шу билан бир қаторда "Ronesans Holding" билан "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамиятини модернизация қилиш ва ривожлантиришга 630 миллион евро, Олмалиқ кон-металлургия комбинатига 4,1 миллиард доллар тўғридан-тўғри инвестициялар киритиш, шунингдек, шифохоналар ва савдо марказларини қуриш бўйича умумий қиймати қарийб 3 миллиард долларлик янги лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисида келишувларга эришилди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Туркиянинг вазирлик ва компаниялари ўртасида алоқаларни янада ривожлантириш, ўзаро маҳсулот етказиб бериш, хизмат кўрсатишни кенгайтириш, клиникалар ва олий ўқув юртлари ташкил этиш бўйича аниқ лойиҳалар муҳокама қилинди. Президентимиз бу режаларни маъқуллаб, мутасаддиларга тез фурсатларда амалий ишларга ўтиш, бюрократик тўсиқларсиз уларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича топшириқлар берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Анқара шаҳрида Туркия Республикаси Президенти девони Халқ кутубхонасининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди.

Туркия раҳбари Режеп Таййип Эрдоған ташаббуси билан бунёд этилган ушбу мажмуа Президент қароргоҳидан ташқари турли давлат муассасалари, конгресс-хол, маданият маркази, масжид ва Халқ кутубхонасидан ташкил топган. 4 миллион босма нашр ва 120 миллиондан зиёд электрон файлдан иборат фондга эга кутубхона хизмат даражаси бўйича дунёдаги энг улканларидан биридир. Ушбу маънавий бойлик маскани Президент қароргоҳи — Жумҳур башканлиги саройи ёнида қурилгани ҳам унинг аҳамиятини кўрсатади.

Кутубхона архитектураси, шунингдек, бутун мажмуа лойиҳаси турк муҳандиси Шафик Бирке томонидан миллий меъморлик ва замонавий услубларни уйғунлаштирган ҳолда ишланган. Лойиҳани яратишда бир қанча ривожланган давлатлар зиё масканлари, АҚШдаги Президент кутубхонаси, Буюк Британия, Франция миллий кутубхоналари тажрибалари ўрганилган.

(Давоми 2-бетда) ▶

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2020 йил 18 февралда ўтказилган навбатдаги мажлисида депутатлар томонидан қизғин муҳокама этилган масалалардан бири "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бўлди.

Қонун ижодкорлиги

Фуқаролик – инсоннинг муҳим ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларидан бири

Қайд этилганидек, фуқаролик — ҳар бир шахсга барча фуқаролар қатори тенг шароит ва имкониятлардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи муҳим ижтимоий-сиёсий ҳуқуқ ҳисобланади. Ватанимиз ҳудудида туғилиб, яшаб, ишлаб, бироқ муайян сабабларга кўра, Ўзбекистон фуқаролигини ололмай юрган юртдошларимиз ҳам оз эмас.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев кейинги уч йилда ана шундай оғриқли муаммоси бор кўплаб юртдошларимизга Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини берди.

Статистика маълумотларига кўра, 1991 йил сентябрь ойидан бугунги кунга қадар 8 минг 249 нафар фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинган. Уларнинг асосий қисми — 7 минг 765 нафари ёки 94 фоизи 2016 йил декабрь ойидан 2019 йил июль ойига қадар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти жорий йил 24 январда Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасида ҳам айни масалага алоҳида тўхталди. Бу, ўз навбатида, кўплаб юртдошларимизнинг олқишига сазовор бўлди.

(Давоми 3-бетда) ▶

Ҳозирги фан-техника шиддат билан ривожланиб бораётган бир пайтда ҳудуд ва чегара танламайдиган коррупция иллати глобал муаммо сифатида кенг жамоатчиликни жиддий ташвишга солмоқда. Бинобарин, коррупция ҳар қандай мамлакатнинг демократия ва қонун устуворлиги асосларини издан чиқаради.

Глобал муаммо

Коррупция жамият тараққиёти, юрт равнақи ва халқ фаровонлигига рахна солади. Маънавиятини емириб, миллий қадриятларни, одоб-ахлоқ нормаларини поймол этади. Юртда ижтимоий тенгсизликни келтириб чиқаради. Фуқароларда эртанги кунга бўлган ишончни сўндиради. Шу боис коррупция вайронкор куч сифатида қораланади.

Ўзбекистон Республикаси 2008 йилда БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига ҳамда 2010 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг Коррупцияга қарши кураш бўйича Истанбул режасига қўшилган.

(Давоми 2-бетда) ▶

Оқлов

Етти йилдан сўнг адолат қарор топди

оқланганим учун Президентимиздан беҳад миннатдорман

Ҳаётда ҳар бир инсон ҳалол меҳнати, касбига садоқати ҳамда эзгу ва савоб ишлари билан қадр топади, обрў-эътибор орттиради. Айниқса, ўқитувчи, устоз, деган ном нақадар шарафли, шу билан бирга фақат ва фақат фидойиликни талаб қиладиган касбдир.

Мен ҳам 2002 йилда Фарғона давлат университетининг тарих факультетини тамомлагач, устозларимдек ёш авлод камолоти йўлида фидоийлик билан меҳнат қилишни дилимга тукандим. Шу мақсадда туманимиздаги 49-умумтаълим мактабида ўқитувчилик фаолиятимни бошладим. Кейинчалик, 2004 йилда менинг номзодим мактаб директорлигига лойиқ топилди.

Шундан сўнг таълим-тарбия сифатини янада ошириш, шу орқали мактаб нуфузини юксалтириш борасида педагогик жамоа ва ота-оналар билан баслаҳат иш юритдим. Бу меҳнатларим эвазига эса, 2009 йилда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси унвонига сазовор бўлдим. Бироқ....

Бироқ 2011 йил декабрь ойида фуқаро Саминжон Маражабовнинг "шарофати" туфайли бошимга жиддий ташвиш тушди. Гап шундаки, С.Маражабов 2005 йилдан 2011 йил октябрь ойига қадар энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида ижара ҳақи тўлаш шарти билан мактабимизга қарашли савдо дўконидан фойдаланиб келаётганди. 2011 йил ноябрь ойида эса, унга мактаб тамаддихонаси озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари сотиш учун ижарага берилди.

(Давоми 4-бетда) ▶

ҲАР ҚАЙСИ ДАВЛАТ, ҲАР ҚАЙСИ МИЛЛАТ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИ, ЮКСАК МАЪНАВИЯТИ БИЛАН ҚУДРАТЛИДИР

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Кутубхона қурилиши 2015 йили бошланган. Умумий майдони 125 минг квадрат метрдан иборат бинонинг асосий қисми 11 қават бўлиб, марказий катта гумбаз ва фойе, ўқиш ва кўп тармоқли заллар, қадимий қўлёзма адабиётларни реставрация қилиш лабораторияси, архив мажмуаси, кўргазма майдонлари, болалар учун аудио ва видео кўриш хоналари, нашрларни сақлаш фондлари, кафелар, ресторанлардан ташкил топган.

Ушбу маърифат маскани энг замонавий техник имкониятларга эга бўлиб, янги форматдаги кутубхона хизматларини ўзида мужассам этган.

Очилиш маросимида бутун дунёдан икки мингга яқин меҳмон — олимлар, ёзувчилар, таълим ва маданият намояндалари, давлат ва жамоат арбоблари қатнашди. Шавкат Мирзиёев Туркия Президенти томонидан таклиф этилган олий даражадаги ягона меҳмон бўлди.

Бунда ҳам ўзига хос чуқур маъно бор. Давлатимиз раҳбарининг китобга меҳри, китобхонлик тарғиботига эътибори бўлакча. Маърифат, таълим, ёшлар тарбиясига оид халқаро ташаббуслари ҳам барчага маълум. Жорий йил Ўзбекистонда Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили, деб эълон қилингани ҳам илмга эътиборнинг яна бир далолати.

Маросимда Президент Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари шундай муҳим ва шукуҳли воқеага таклиф учун миннатдорлик билдириб, қардош турк халқини ушбу илм-маърифат маскани билан муборакбод этди.

— Дунёдаги ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат биринчи навбатда ўзининг интеллектуал салоҳияти, юксак маънавияти билан қудратлидир. Бундай енгилмас куч манбаи эса, аввало, инсоният тафаккурининг буюк кашфиёти — китоб ва кутубхоналарда, — деди Президентимиз.

Ўзбек ва турк халқларининг илдизи бир, маънавияти муштарак. Имом Бухорий, Беруний, Хоразмий, Ибн Сино, Жалолиддин Румий, Юнус Эмро, Алишер Навоий мероси халқларимизнинг миллий юксалишига катта ҳисса қўшган. Қозизода Румий Самарқандда мударрислик қилган. Али Қушчи ҳаётининг сўнгги йилларини Истанбулда ўтказган. Абдурауф Фитрат, Муҳаммадшариф Сўфизода, Саид Аҳрорий каби кўплаб жадид боболаримиз Туркияда таҳсил олган.

Бугунги кунда Истанбулда Абу Райҳон Беруний номидаги университет бор. Туркия китоб фондларида Алишер Навоий асарларининг 100 дан ортиқ қўлёзмалари сақланиб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбари юртимизда замонавий мактаблар, илмий-маърифий марказлар ташкил этилаётганини таъкидлади.

Самарқандда Имом Бухорий, Сурхондарёда Имом Термизий номидаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари, шунингдек, ҳадис, калом, ақийда, тасаввуф, фиқҳ мактаблари очилган. Тошкент шаҳрида кўп асрлик маърифат хазинасини намоён этадиган, фундаментал тадқиқотлар олиб бориладиган Ислом цивилизацияси маркази бунёд этилмоқда.

Бу йил улуғ алломалар Абдухолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудларига бағишланган тадбирлар ўтказилади. Маҳмудхўжа Беҳбудий туғилганининг 145 йиллик санаси нишонланади. Шунингдек, жорий йилда Бухоро шаҳри "Ислом маданияти пойтахти", Хива шаҳри "Туркий дунё маданияти пойтахти" деб эълон қилингани муносабати билан бир қатор халқаро анжуманлар ташкил этилиши режалаштирилган.

Президентимиз туркиялик олимлар, адабиётшунос ва диншуносларни ушбу маданий-маърифий тадбирларга таклиф этди. Ўзбекистоннинг китоб фондларида 100 мингдан зиёд ноёб қўлёзма асарлар сақланаётгани, уларнинг аксарияти ўз тадқиқотчиларини кутаётганини таъкидлади.

Туркия Президенти ушбу қувончли айёмда Ўзбекистон Президенти рафиқаси билан бирга иштирок этаётгани учун ташаккур изҳор этди.

— Ўзбекистон биз учун маданий тасаввуримизни шакллантирган, олимларни етиштирган, илм, ирфон ва маънавий дунёмизни таъминлаган ҳаётий манбаларимиздан энг муҳимидир, — деди Режеп Таййип Эрдоған. — Илм муҳити асрлар давомида Тошкент билан Анқара, Самарқанд билан Конё, Бухоро билан Бурса, Хива билан Эдирнени боғлаб, ўзаро бойитгандир. Бу кун Халқ кутубхонасини Жаноби Олийлари билан биргаликда очиб, муштарак маданиятимиз ҳақида бутун дунёга муҳим бир ишора бермоқдамиз.

Шавкат Мирзиёев дунёда ўта ноёб бўлган "Усмон Мусҳафи"нинг хаттотларимиз томонидан кўчирилган нусхаси, Жалолиддин Румийнинг машҳур "Маснавий" асари ҳамда Абу Бакр ар-Розийнинг "Касалликлар тарихи" асари қўлёзмаларининг факсимиле нусхалари, "Алишер Навоий асарларининг Истанбул кутубхоналаридаги тасвирий нусхалари" номли китоб-альбом, Юнус Эмро шеърларининг ўзбек тилига таржимаси жамланган "Ўлмас кўнгул" деб номланган китобларни кутубхонага туҳфа қилди.

Шунингдек, Туркия Республикаси Президенти девони Халқ кутубхонасига 350 дан зиёд турли мавзудаги китоблар тақдим этилди.

Давлат раҳбарлари рафиқалари ҳамроҳлигида Туркия Республикаси Президенти девони Халқ кутубхонаси фаолияти билан танишди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ва рафиқаси мазкур маҳобатли кошонанинг биринчи фахрий меҳмонлари бўлишди.

Ноёб китоблар кўргазмаси намойиш этилди. Туркия Президенти давлатимиз раҳбарига ноёб китоблардан бирини совға қилди. Давлат раҳбарлари биргаликда Ўзбекистондан келтирилган китоблар кўргазмаси билан ҳам танишдилар.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикасига ташрифи якунланди. Олий даражадаги Ўзбекистон — Туркия мулоқотининг янги форматига асос солган ушбу ташриф мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг муҳим истиқболларини белгилаб берди. Ўтказилган учрашув ҳамда музокаралар, имзоланган ҳужжатлар, эришилган келишувлар икки давлат муносабатлари ва қардош халқлар дўстлигини ҳар томонлама мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
ЎзА махсус мухбири.
Анқара

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ДЕВОНИ ХАЛҚ КУТУБХОНАСИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Ўз навбатида, Мирзо Улуғбекнинг садоқатли шогирди, машҳур астроном ва математик Али Қушчи ҳаётининг сўнгги йилларини Туркияда ўтказгани ва бу юртда аниқ фанлар ривожига беқиёс ҳисса қўшганини ҳам барчамиз яхши биламиз. Али Қушчининг набираси Мирим Чалабий ҳам бобоси сингари атоқли аллома бўлиб танилган ва бунда турк илмий-маърифий муҳитининг улкан хизматлари борлиги шубҳасиз.

Ўзаро маданий ҳамкорлигимиз ҳақида сўз борганда, буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг бу жараёнда ғоят муҳим ўрин тутганини таъкидлаш лозим. Тарихий манбалар XV асрда турк ҳукмдори Боязид Иккинчининг Султон Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий билан мактублар ва элчилар орқали ўзаро мулоқотда бўлганидан гувоҳлик беради.

Туркиянинг машҳур олим ва адиблари Алишер Навоийни туркий дунёнинг энг буюк шоири, турк тилининг ҳимоячиси сифатида улуғлаб келадилар. Туркия китоб фондларида беназир шоиримиз асарларининг 100 дан ортиқ қўлёзмалари сақланаётгани ҳам шундан далолат беради.

Алишер Навоий бебаҳо ижоди билан бугун ҳам туркий халқларни маънавий жиҳатдан бирлаштиришга хизмат қилиб келмоқда.

Қадрли анжуман иштирокчилари!

Халқимиз тарихининг оғир ва мураккаб даври, яъни XX аср бошида жадид боболаримиз Ватанимиз мустақиллиги йўлида фидойилик билан курашганлар. Бу борада улар туркиялик маърифатпарварлар билан фаол ҳамкорлик қилганлари, бу диёрда таълим олиб, янги ғоя ва қарашларга эга бўлганларини яхши биламиз.

Ўша йилларда Абдурауф Фитрат, Муҳаммадшариф Сўфизода, Саид Аҳрорий сингари атоқли адиб ва арбобларимиз Туркияда таҳсил олганлар. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Ибрат, Абдулла Авлоний, Чўлпон каби ўнлаб улуғ ватандошларимиз турк маданияти ва адабиёти руҳида тарбия топганлар. Минг афсуски, уларнинг аксарияти мустабид тузум даврида сиёсий қатағон қурбони бўлганлар.

Бугунги кунда биз Ўзбекистонда жадидчилик ҳаракатининг ноёб меросини чуқур ўрганиш бўйича катта ишларни бошладик. Ўтган йили мумтоз адибимиз Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллигини кенг миқёсда ўтказдик. Бу йил машҳур жамоат арбоби, аллома ва адиб Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг 145 йиллик таваллуд санасини нишонлаймиз. Биз бу аждодларимизнинг ибратли ҳаёти ва фаолиятини қанча кўп ўргансак, бизни ўйлантираётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз.

Айни пайтда ўзбек мумтоз адабиёти намояндалари билан бир қаторда замонавий шоир ва ёзувчиларимизнинг асарлари ҳам Туркияда мунтазам нашр этилаётганини биз юксак баҳолаймиз. Мамлакатингизнинг бир қатор олий таълим муассасаларида ўзбек тили ва адабиёти ўқитилаётгани, Истанбулда буюк бобомиз Абу Райҳон Беруний номидаги университет фаолият олиб бораётгани бизни мамнун этади.

Гўзал ва бетакрор турк диёрида ўзбек халқи тарихи ва маданияти билан боғлиқ ўнлаб жой номлари — маҳалла ва марказлар, тақлар юз йиллар давомида безавол сақланиб келмоқда. Бундай бағрикенглик ва дўстона муносабат учун Туркия раҳбарияти ва халқига яна бир бор ташаккур билдиришга ижозат бергайсиз.

Бизнинг юртимизда ҳам турк адабиёти ва санъатига қизиқиш тобора ортиб, улар илмий ва таълим масканларида кенг ўрганилмоқда. Мавлоно Жалолиддин Румий, Юнус Эмро, Аҳмад Пошо, Сайди Али Раис Котибий, Тошлижали Яҳё, Ҳамди Чалабий сингари буюк шоирлар ижодини халқимиз севиб ўқийди.

Шу билан бирга, замонавий турк адабиёти, халқ достонлари, антологиялар ўзбек тилида нашр этилиб, китобхонларимизнинг маънавий мулкига айланганини таъкидлаш лозим.

Азиз қардошлар!

Биз илм-маърифатни кенг маънода тушунамиз. Шу сабабли юртимизда дунёвий таълим даргоҳлари билан бирга диний мактаб ва мадрасалар, илмий-маърифий марказлар ташкил этилмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳрида кўп асрлик маърифат хазинасини ўзида мужассам этадиган, фундаментал тадқиқотлар олиб бориладиган Ислом цивилизацияси марказини бунёд этмоқдамиз.

Самарқандда Имом Бухорий, Сурхондарёда Имом Термизий номларидаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари фаолият кўрсатмоқда. Уларда бошқа фанлар қатори ҳадис, калом, ақида, тасаввуф, фиқҳ илмлари чуқур ўрганилмоқда.

Бухородаги Мир Араб олий мадрасаси, Тошкент Ислом маъҳади, Ўзбекистон халқаро Ислом академияси сингари олий ўқув юртларида етук малакали мутахассислар тайёрланмоқда.

Бу йил ҳадис илмининг султони Имом Бухорий, ақида илмида мактаб яратган алломалар — Абу Мансур Мотуридий ва Абу Муин Насафийга бағишланган халқаро илмий конференциялар ўтказиш ниятидамиз. Шунингдек, улуғ аллома — насли-насаби туркиялик бўлган Абдухолиқ Ғиждувоний ҳазратларининг, Баҳоуддин Нақшбанд бобомизнинг таваллуд айёмларини, Мир Араб мадрасасининг 500 йиллигини ҳам юқори савияда ўтказишни ният қилганмиз.

2020 йил **Бухоро шаҳри — "Ислом маданияти пойтахти", Хива шаҳри — "Туркий дунё маданияти пойтахти"**, деб эълон қилинди. Шу муносабат билан жорий йил давомида мамлакатимизда бир қатор халқаро анжуманлар ташкил этилади. Туркиялик муҳтарам олиму уламоларимиз ушбу маданий-маърифий тадбирларнинг азиз меҳмонлари бўладилар, деб ишонаман.

Қадрли дўстлар!

Ҳозирги кунда Ўзбекистонимизнинг китоб фондларида 100 мингдан зиёд ноёб қўлёзма асарлар сақланмоқда. Бироқ, айтиш керакки, уларнинг аксарияти ҳамон ўз тадқиқотчиларини кутиб турибди. Бу маънавий хазинани ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва оммалаштириш олдимизда турган муҳим ва шарафли вазифадир.

Фурсатдан фойдаланиб, мен Ўзбекистон ва Туркия университетлари, илмий-тадқиқот муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга даъват этаман. Бу жараёнларда Туркиянинг бугун очилаётган ушбу энг улкан кутубхонаси ва 150 йиллик тарихга эга бўлган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ташаббускор бўладилар, деб умид қиламан.

Қадрли анжуман иштирокчилари!

Бугун Туркияда катта шодиёна, таъбир жоиз бўлса, маънавият ва маърифат тўйи бўлиб ўтмоқда. Бизнинг халқимизда "Тўйга тўёна билан бормоқ лозим", деган ҳикматли сўз бор.

Шунга кўра, биз Туркия Президенти девонининг Халқ кутубхонасига 350 дан зиёд турли мавзудаги китобларни келтирдик. Уларнинг орасида дунёда ўта ноёб бўлган, Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланаётган "Усмон Мусҳафи"нинг моҳир хаттотларимиз томонидан кўчирилган нусхаси ҳам бор.

Бутун ислом оламининг фахри бўлмиш мавлоно Жалолиддин Румий ҳазратларининг машҳур "Маснавий" асари қўлёзмасининг факсимиле нашрини сиз, азизларга тақдим этамиз.

Маълумки, буюк аллома Абу Бакр ар-Розийнинг "Касалликлар тарихи" номли асари бутун дунёда шуҳрат қозонган. Бу китобни XVIII асрда истанбуллик табиб, шоир ва хаттот Муҳаммад Рафиъ арабчадан турк тилига таржима қилиб, ўз қўли билан кўчирган. Биз келтирган китоблар ичида ушбу қўлёзманинг факсимиле нусхаси ҳам бор.

Айни вақтда "Алишер Навоий асарларининг Истанбул кутубхоналаридаги тасвирий нусхалари" номли китоб-альбом адабий ҳамкорлигимизнинг чуқур тарихий илдизларидан далолат беради.

Нафақат Туркия, балки бутун мусулмон оламининг оташнафас шоири бўлган Юнус Эмронинг "Ўлмас кўнгул" номли янги китоби яқинда мамлакатимизда ўзбек тилида нашр этилди. Мен ушбу китобга "Сўзбоши" ёзиш шарафига муяссар бўлганимдан бахтиёрман.

Ижозатингиз билан Юнус Эмронинг дўстлик ҳақидаги шеърий сатрларини келтирмоқчиман:

Менинг тилим — қуш тилидур,
Менинг қўлим — дўст қўлидур.
Мен булбулман, дўст гулимдур,
Билинг, гулим сўлмас менинг.

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Туркий тилли давлатлар Ҳамкорлик кенгаши доирасида **"Туркий адабиёт хазинаси"** рукнида 100 жилдлик китоблар туркумини нашр этиш ғоясини илгари сурган эди. Ана шу эзгу ташаббуснинг илк самараси ўлароқ, Юнус Эмронинг ушбу асарини ҳам Президент девони Халқ кутубхонасига тақдим этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Азиз дўстлар!

Сизларни бугунги тантанали маросим билан яна бир бор чин юракдан қутлайман.

Бу муаззам кутубхона Туркия халқи, Туркия ёшлари учун, илм-маърифатни юксак қадрлайдиган барча инсонлар учун чинакам маънавият саройига айланишини қодир Аллоҳдан сўраб қоламан.

Эътиборингиз учун ташаккур.

Сенат ялпи мажлиси олдидан қонунлар муҳокама қилинмоқда

Олий Мажлис Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши кураш қўмитаси ишчи гуруҳи йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Сенатнинг иккинчи ялпи мажлиси доирасида кўриб чиқиш назарда тутилган қонунлар ишчи гуруҳ аъзолари томонидан муҳокама этилди.

"Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни кўриб чиқилди.

Халқаро арбитраж бозор иқтисодиётига оид муносабатларнинг асосий омилларидан бири бўлиб, тижорат низоларини ҳал этишнинг муқобил, суддан ташқари шакли сифатида тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу жиҳатдан янги қонун Ўзбекистон Республикасида арбитраж судларнинг фаолиятини ташкил этиш ва тугатиш тартибини ҳуқуқий мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шунингдек, юртимиздаги хорижий инвесторлар, миллий компанияларнинг чет эллик ҳамкорлар билан ўзаро муносабатларида ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоялашни таъминлайди. Низоларни кўришда хўжалик юритувчи субъектларнинг сарф-харажатларини қисқартириш, арбитраж ҳал қилув қарорларини тан олиш ва ижро этишни ҳам назарда тутади.

Экспертлар қайд этганидек, мазкур ҳужжат тўғридан-тўғри амал қилувчи қонун бўлганлиги, шунингдек, у билан арбитраж муҳокамасининг барча масалаларини тартибга солиш назарда тутилганлиги сабабли қонуности ҳужжатлар ишлаб чиқиш зарурати йўқ.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎзА мухбири

Глобал муаммо

Коррупция

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан 2017 йил январида мамлакатимизда "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

Мазкур қонун юртимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда. Қонун коррупцияга қарши чора-тадбирлар самарадорлиги ва сифатини оширишга хизмат қилмоқда.

Қонун ижросини таъминлаш мақсадида, Президентимизнинг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Бу қарор юртимизда коррупцияга қарши курашиш борасида янги босқични бошлаб берди.

Ўтган йилнинг 27 майида Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Бу ҳужжат ана шу хавфли иллатга қарши муросасиз муносабатни янада кучайтириш борасидаги вазифалар кўламини кенгайтирди.

Коррупцияга қарши муросасиз курашиш узлуксиз ҳаракат қилишни тақозо этади. Буни давлатимиз раҳбари жорий йил 24 январда Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасида ғоятда ҳақли фикрларни илгари сургани мисолида яққол кўриш мумкин.

Президентимиз таъкидлаганидек, **коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, "ҳалоллик вакцинаси" билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак.**

Мурожаатномада коррупцияга қарши курашиш вазифалари ижросини тизимли ташкил этиш мақсадида, парламент ва Президентга ҳисоб берадиган, коррупцияга қарши курашишга масъул саналадиган алоҳида орган ташкил этиш таклиф қилинди. Бу ҳам ушбу хавфли иллатга бутунлай барҳам бериш учун ҳали кўп куч ва меҳнат сарфлашимиз зарурлигини кўрсатмоқда.

Кейинги даврда коррупцияга қарши курашиш соҳасида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида бир қатор зарур чоралар кўрилди. Бу ҳақда тўхталаётганимизнинг сабаби шуки, жамиятнинг ҳар бир аъзоси қонунларни, хусусан, коррупция билан боғлиқ қилмишнинг ҳуқуқий оқибатларини яхши билиши керак.

Қонунни билмаслик, унинг мазмун-моҳиятидан бехабарлик, табиийки, коррупция жиноятини содир этган шахснинг жазодан қутулиб қолишига имкон бермайди. Чунки пора олган ҳам, берган ҳам, пора олиш-беришда воситачилик қилган ҳам муқаррар жиноий жавобгарликка тортилади. Қонун талаби шундай.

Маълумки, давлат органлари ходимлари ўз ваколатлари доирасида иш олиб боради. Ўз-ўзидан, уларга жисмоний ёки юридик шахсларнинг иши тушади. Бундай чоғда "енг ичида" иш битириш мақсадига қаратилган илтимос ва таклифлар бўлмаслиги мумкин эмас. Коррупцияни келтириб чиқарувчи бундай ҳолатларни бартараф этиш йўли "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонуннинг 26-моддасида белгилаб қўйилган.

Мазкур нормага мувофиқ, давлат органлари ходимлари уларни коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этишга кўндириш мақсадида бирор-бир шахс ўзларига мурожаат этганлигига оид барча ҳоллар тўғрисида, шунингдек, давлат органларининг бошқа ходимлари томонидан содир этилган шунга ўхшаш ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлиб қолган ҳар қандай фактлари ҳақида ўз раҳбарини ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор этиши шарт. Ушбу мажбуриятнинг давлат органлари ходимлари томонидан бажарилмаслиги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Энди бу борадаги фикрларни ҳаётий мисоллар асосида далиллашга ҳаракат қиламиз.

Ўтган йил 7 ноябрь куни Навоий вилояти ички ишлар бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори Ш.Абдурасулов (исм-шарифлар ўзгартирилган) сафдоши Ж.Қаршиев билан Кармана тумани ҳудудидан ўтувчи автомобиль йўлининг 162-километрида жойлашган "Гресс" кузатув блок-постида хизмат вазифасини бажараётганди.

Қонун моҳиятни

Янги солиқ кодекси

миллий тараққиётимизда қандай аҳамиятга эга?

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Янги таҳрирдаги Солиқ кодекси солиқ юкини изчиллик билан камайтириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш, иқтисодиётни жадал ривожлантиришга ҳамда ишбилармонлик ва инвестициявий фаолликни оширишга, соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга хизмат қилади. Бир сўз билан айтганда, иқтисодиётга ҳақиқий бозор механизмларини жорий этишда муҳим ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Солиқ кодексининг қабул қилиниши билан жорий йилнинг 1 январидан бошлаб солиқ тизимида 120 дан ортиқ янги қоида амалиётга киритилди. Жумладан, солиқ ва йиғим турлари 13 тадан 9 тагача камайтирилди. Солиқ органлари томонидан солиқ текширувлари фақат кодексда назарда тутилган ва уларни ўтказиш тартибини белгилайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганидан кейин ўтказилиши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, солиқ органларининг ортиқча тўланган ёки ортиқча ундирилган солиқларни ўз вақтида қайтариш учун жавобгарлиги кучайтирилди. Ортиқча ундирилган солиқ ва молиявий санкциялар суммаларини, ушбу суммаларни ундириш (тўлаш) даврида амалда бўлган Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан келиб чиқиб ҳисобланган фоизларни инобатга олган ҳолда, қайтариш тартиби татбиқ этилди.

Маълумки, кейинги даврда давлатимиз раҳбари томонидан Президент ваколатларининг айримларини парламентга, ижро этувчи ҳокимият ва маҳаллий ҳокимликларга бериш бўйича бир қатор муҳим ташаббуслар амалга оширилди. Жумладан, мамлакатимизда Давлат бюджетини Президент қарори билан қабул қилиш амалиётидан воз кечилиб, қонун билан қабул қилиш жорий этилди.

Шундай ташаббуслардан бири Солиқ кодексида ҳам ўз аксини топди. Яъни бугунги кунга қадар солиқ имтиёзларини бериш фақатгина Президент ваколатида бўлгани ҳолда, эндиликда бундай имтиёзлар Солиқ кодекси билан берилиши белгиланди.

Солиқ органлари томонидан солиқ текширувлари фақат кодексда назарда тутилган ва уларни ўтказиш тартибини белгилайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганидан кейин ўтказилиши белгилаб қўйилди.

Солиқ кодексига биноан, солиқ текширувларининг бир нечта тури ўрнатилди.

Хусусан, камерал солиқ текшириши — солиқ тўловчининг ҳисоботини солиқ органида ўрганиш ва уни божхона органлари, банклар, энергетика корхоналари, кадастр ва бошқаларнинг маълумотлари билан солиштиришни назарда тутади. Бунинг натижасида солиқ тўловчи солиқ ҳисоботига тузатишлар киритиши ёки асослантирилган сабабларни кўрсатиши керак.

Камерал солиқ текширувини ўтказиш учун солиқ органи раҳбарининг ёки раҳбар ўринбосарининг буйруғи бўлиши шарт. Шу билан бирга, камерал солиқ текшириши доирасида солиқ органининг мансабдор шахсига солиқ тўловчидан маълум бир солиқни ҳисоблашнинг тўғрилигини тасдиқлаш учун зарур ҳужжатларни талаб қилиш ҳуқуқи берилади, холос. Камерал солиқ текширувининг натижалари бўйича молиявий санкциялар қўлланилмайди, лекин пеня ҳисобланиши мумкин.

Сайёр солиқ текшируви — солиқ тўловчининг айрим кўрсаткичларини жойига чиққан ҳолда ўрганишдир. Бундай текширувнинг мақсади — фақат фактларни қайд этишдан иборат.

Сайёр солиқ текшируви солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш ҳамда бошқа мажбуриятлар бажарилиши масалаларида маълумот тўплаш учун амалга оширилади. Сайёр солиқ текшируви натижалари бўйича солиқлар қўшимча ҳисобланмайди ва молиявий санкциялар қўлланилмайди.

Солиқ аудити — катта ҳажмдаги айланмаларда юқори даражада хатарга эга бўлган солиқ тўловчи томонидан солиқ қонунларига риоя этилишини ҳар томонлама ўрганишдир. Бундай аудит солиқларни тўлашдан бўйин товлаш хавфи ва солиқ тўлаш билан боғлиқ бошқа омиллар мавжуд бўлганда, уларни таҳлил қилиш асосида тегишли солиқ тўловчиларда ўтказилади. Солиқ аудити натижаларига кўра, қўшимча солиқлар ҳисобланиши ва молиявий санкциялар қўлланилиши мумкин.

Янги таҳрирдаги кодексда солиқ муносабатлари билан боғлиқ нормаларнинг қўлланилиши енгиллаштирилди. Мавжуд айрим зиддиятлар ва тушунмовчиликлар тузатилиб, инсофли солиқ тўловчилар манфаатларини ҳимоялаш, солиқ назорати шакл ва механизмлари соддалаштирилди.

Шунингдек, солиқ объектлари ва солиқ тўловчиларнинг ҳисобини юритиш, ушбу муносабатларда инсон омили таъсирини камайтиришни таъминлайдиган ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш каби муҳим масалаларга жиддий эътибор қаратилди.

Бунга бир мисол: солиқ тўловчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чораларини янада камайтириш, шунингдек, қонунчилик техникаси талабларидан келиб чиқиб, солиқ органлари томонидан киритилаётган молиявий санкцияларни кўзда тутувчи 10 дан ортиқ модда кодексдан чиқариб ташлангани диққатга моликдир.

Мазкур Солиқ кодексини ишлаб чиқишда солиқ юкини камайтириш, солиққа тортишни соддалаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш масалаларини ҳал этиш вазифаси белгиланган эди. Шунга кўра, кодекс орқали солиқ органларининг солиқ тўловчининг солиқ қарзини ундиришни унинг дебиторига қаратиш ҳуқуқи бекор қилинди.

Солиқ органларининг ортиқча тўланган ёки ортиқча ундирилган солиқларни ўз вақтида қайтариш учун жавобгарлиги кучайтирилди. Ортиқча ундирилган солиқ ва молиявий санкциялар суммаларини, ушбу суммаларни ундириш, яъни тўлаш даврида амалда бўлган Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан келиб чиқиб ҳисобланган фоизларни инобатга олган ҳолда қайтариш тартиби белгилаб қўйилди.

Айнан шу тартибда, ортиқча тўланган солиқ суммасини ўз вақтида қайтариш ва ортиқча ундирилган солиқ суммасини ҳисобга олиш ва қайтариш механизми жорий этилди. Шу билан бирга, солиқ суммасини қайтаришда ҳар бир кечиктирилган кун учун солиқ органи томонидан солиқ тўловчига фоиз тўлаш назарда тутилди.

Хулоса қилиб айтганда, Солиқ кодексидаги назарий-ҳуқуқий ўзгаришлар, аввало, солиқ қонунчилиги нормалари қўлланилишини имкон қадар соддалаштиришга қаратилган. Бунда қарама-қаршиликлар ва зиддиятли ҳолатларни бартараф этиш, солиқ назорати механизмларини такомиллаштириш, инсофли солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтиришга жиддий эътибор берилди.

Умуман, янги таҳрирдаги Солиқ кодексида солиқ тўловчилар учун ижобий янгиликлар кўп. Шу маънода кодекс ижроси тўла таъминланиши иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланиши, аҳоли реал даромадлари ошиши ва солиқ маъмурчилиги яхшиланишига хизмат қилади.

Шуҳрат МАМАДИЯРОВ,
Қашқадарё вилояти иқтисодий судининг раиси
Отабек МИРЗАЕВ,
Касби туманлараро иқтисодий судининг судьяси

Қонун ижодкорлиги

Фуқаролик – инсоннинг муҳим ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларидан бири

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбари, жумладан, фуқаролик масалаларига оид қонунчиликни такомиллаштириш орқали инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида навбатдаги муҳим қадам қўйиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этаётганини қайд этди.

Мамлакатимизда узоқ вақтдан бери яшаб келаётган, лекин Ўзбекистон фуқароси деган ҳуқуқий мақомга эга бўла олмаётган минглаб юртдошларимизнинг ана шу муаммосини қонуний ҳал этиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чораларни кўриш вақти келгани таъкидланди. Хусусан, 1995 йилгача Ўзбекистонга келган ва шу даврдан буён истиқомат қилаётган шахсларга Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги автоматик тарзда бериладиган бўлди.

Ҳисоб-китобларга кўра, шу тариқа 50 мингга яқин юртдошларимизнинг фуқаролик билан боғлиқ узоқ йиллардан буён ечилмасдан келаётган муаммоси ҳал этилиши кўзда тутилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида парламент аъзолари томонидан кенг муҳокама этилган "Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси шу муҳим масалани ҳал этишга қаратилгани билан диққатга сазовордир.

Амалдаги қонун 27 йил аввал қабул қилинган бўлиб, у маънан эскирган. У бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар талабларига жавоб бермайди.

Шу боис лойиҳа парламент қуйи палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ҳузурида тузилган ишчи гуруҳ ҳамда Вазирлар Маҳкамаси, Адлия, Ички ишлар ва Ташқи ишлар вазирликлари мутахассислари, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари, депутатлар томонидан билдирилган таклифлар асосида қайта-қайта кўриб чиқилди. Мутахассис ва экспертларнинг таклифлари олинди.

Қонун лойиҳасининг 6-моддасида 1995 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келган ва доимий пропискага ўтган, хорижий давлат фуқаролигини қабул қилмаган ҳамда ушбу қонун кучга кирган кунга қадар Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси асосида истиқомат қилган шахс, истак билдирган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олиниши назарда тутилган.

Лойиҳага "ватандош" тушунчаси киритилиб, фуқаролиги бўлмаган ватандошларга нисбатан фуқароликка қабул қилишнинг соддалаштирилган тартиби белгиланмоқда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалаларини кўриб чиқишда идоралараро электрон ҳамкорлик механизмлари яратилиши бўйича қатор нормалар киритилмоқда.

Лойиҳани ишлаб чиқиш зарурати ҳамда фуқаролик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, ушбу соҳада самарали ва тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунчилик базасини яратиш, фуқаролик соҳасидаги маъмурий тартиб-таомилларни янада соддалаштириш, шахсларнинг Ўзбекистон фуқаролигини олиш ва бекор қилиш борасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлаш билан ҳам изоҳланади.

Шунингдек, соҳани тартибга соладиган қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни бартараф этиш мазкур қонун лойиҳасини қабул қилиш заруратини кўрсатади.

Мухтасар айтганда, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш тартиб-таомиллари эркинлаштирилади. Фуқароликни олиш мақсадида тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар сони қисқариши ҳам жуда муҳим.

Қолаверса, фуқароларнинг консуллик ҳисобига туриш муддати узайтирилади. Умуман айтганда, ушбу қонун билан соҳага доир ҳуқуқни қўллаш амалиётининг аниқ ва бир хилда бўлиши таъминланади. Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалаларини кўриб чиқишда идоралараро электрон ҳамкорлик механизмлари яратилишига замин яратилади.

Тўлқин КАРИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси

Аёллардан иборат жиноий гуруҳ фош бўлди...

Фарғонада бир гуруҳ шахслар дунё бўйлаб саёҳат хизматларини кўрсатувчи провайдернинг хизматларидан ноқонуний фойдаланиб, расмийлаштириш тартиби ва қоидаларига амал қилмай фуқаролардан пул маблағларини олиб, молиявий пирамида ташкил қилди. Улар мулкий манфаатни ваъда қилиб, жабрланувчиларга 71 минг 200 АҚШ доллари миқдорида зарар етказган.

Бугунги кунда туризм соҳасида замонавий хизматларни йўлга қўйган халқаро компаниялар жуда кўп. Хусусан, улар Интернет тармоғи орқали ўз хизматларини таклиф этмоқда. "Appi travels.com" — Интернет орқали туризм соҳасидаги сервис хизматлар кўрсатишга мўлжалланган дастурий сайт бўлиб, унга канадалик маркетолог олим Данни Гаузер асос солган. Ушбу номдаги компаниянинг президенти ҳамда бренд эгаси ҳисобланади. Хоҳлаган шахс ушбу сайтга кириб, у орқали дунёнинг барча мамлакатлари учун авиабилетлар, меҳмонхона, ресторанлар, ижарага автомашина буюртириши, интернет сайти очиш, реклама ва шу каби электрон шаклда амалга ошириладиган хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Афсуски, айрим шахслар ана шундай имкониятлардан ўз нафси йўлида фойдаланмоқда. С.Маҳмудова ва Г.Ариповалар раҳбарлигида 2019 йил апрель ойида Кува туманида "Appi travels" туристик компаниясининг ноқонуний равишда филиали ташкил этилган. Улар Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб, мулкий манфаат бериш бўйича зиммага мажбурият олиш йўли билан фуқароларнинг жуда кўп миқдордаги пул маблағини жалб этишга доир ноқонуний фаолиятни амалга оширган.

Жумладан, С.Маҳмудова, Д.Солиева, Г.Арипова, Р.Солиева, Р.Саидазимова, Д.Дадажонова, Н.Султонова, Ф.Мўйдинов, Ш.Носирова ва М.Тиллаева 2019 йил апрель ойидан июнь ойига қадар Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали "Appi travels.com" сайтининг олтиталик "матрица" хизматини нотўғри талқин этган. Фуқароларга мазкур сайтга 300 АҚШ доллари миқдорида пул тўлаб аъзо бўлишни ва олти нафар бошқа фуқароларни сайтга аъзоликка таклиф қилишни, шунда уларга 750 АҚШ доллари миқдорида бонус пуллари берилишини айтган.

(Давоми 4-бетда) ▶

— хавфли иллат

бу қилмиш муқаррар жазога олиб боради

Кеч соат 23[45] ларда "Бухоро — Навоий" йўналиши бўйича юқори тезликда ҳаракатланиб келаётган "Нексия" автомашинаси уларга шубҳали туюлади. Инспектор Ш.Абдурасулов автомашинани ҳуштак чалиб, жезл ёрдамида тўхтатади.

Хавфсизлик камарини тақмасдан келаётган "Нексия" ҳайдовчиси қоидани бузганлигини тан олади ва ҳужжатларини йўл-патруль хизмати ходимларига тақдим этади. Ш.Абдурасулов ҳайдовчи А.Раҳмонқуловга нисбатан Йўл ҳаракати қоидаларининг 9-бандини бузиб, хавфсизлик камаридан фойдаланмасдан келганлиги учун маъмурий баённома расмийлаштиради.

Баённомага имзо қўйиш сўралган пайтда А.Раҳмонқуловнинг спиртли ичимлик истеъмол қилгани сезилиб қолади. Вилоят наркология диспансери тиббий кўрикдан ўтказиб, фуқаро А.Раҳмонқулов маст ҳолда эканлиги тўғрисида хулоса беради. Хулосага асосан, ҳайдовчига нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилади ва автомашина жарима майдонига қўйилади.

Ҳаммаси шундан сўнг бошланади. А.Раҳмонқулов пост ёнидан кетмай, эрталабгача шу атрофда юриб чиқади. Бунинг устига йўл-патруль хизмати инспектори Ш.Абдурасуловга ёрдам қилишни, эвазига 100 АҚШ доллари беришини айтиб, уни ҳол-жонига қўймайди. Йўл-патруль хизмати инспектори фуқарога бу ҳаракати жиноят экани, ишига халал бераётганини такрор-такрор тушунтиради. Ҳатто уни хонасидан чиқариб юборади. Лекин...

Эрталаб соат саккизларда постнинг назорат хонасига кириб олган А.Раҳмонқулов яна автомашинасини жарима майдонидан чиқаришга ёрдам беришни, бунинг учун қанча пул бўлса ҳам, беришга тайёр эканлигини айтган. Шундан сўнг Ш.Абдурасулов ҳайдовчи А.Раҳмонқуловга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб, вилоят Ички ишлар бошқармаси бошлиғи номига билдирги ёзган.

Тезкор тадбир белгиланиб, тадбир иштирокчилари "У. А. Аброр — 98" масъулияти чекланган жамиятига қарашли жарима майдончасига боришган. Худди шу пайтда А.Раҳмонқулов маъмурий бино ичига кириб олганди. У Ш.Абдурасуловга 100 доллар пул берган вақтида далилий ашёлар билан ушланган.

Суд дастлабки тергов органи томонидан А.Раҳмонқуловнинг ижтимоий хавфли ҳаракатлари Жиноят кодексининг 211-моддаси 1-қисми билан тўғри малакаланган деб ҳисоблади.

Мазкур жиноят иши судда мазмунан кўрилиши чоғида судланувчи А.Раҳмонқулов қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлик билдирди. Унинг айбига иқрорлиги ва қилмишидан пушаймонлигини суд жазони енгиллаштирувчи ҳолат, жиноятни мастлик ҳолатида содир қилганлигини Жиноят кодексининг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблади.

Суд ашёвий далил деб топилган, судланувчи А.Раҳмонқулов томонидан Ш.Абдурасуловга пора тариқасида берилган 100 АҚШ долларини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг давлат эгалигига ўтказишни лозим, деб топди.

А.Раҳмонқуловга суд ҳукми билан икки йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

Қиссадан ҳисса шуки, пора олганни ҳам, берганни ҳам, пора олиш-беришга воситачилик қилганни ҳам муқаррар жазо кутади.

Буни ҳеч қачон унутмаслик керак.

Алишер САЙДУЛЛАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Кармана тумани судининг раиси
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Жиноят ва жазо

Оилавий товламачилик

ёш аёлнинг ўлимига сабаб бўлди

Маълумки, ҳаётда оқибатини ўйламай қилинган ҳар қандай иш, яъни ноқонуний хатти-ҳаракат жиддий ташвиш туғдириши, ҳатто аянчли якун топиши ҳеч гап эмас. Аммо кундалик ҳаётимизда бундай воқеаларга тез-тез дуч келсакда, аксарият ҳолларда лом-мим демай, сукут сақлаймиз.

Миришкор туманида яшовчи Нуриддин Соибназаров (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳам оғир жиноятларга қўл урдики, бунинг натижасида бир инсон ўз жонига қасд қилди. Қолаверса, ота бўлмиш жиноятларига жияни Ҳакимжон Толиповни ҳам шерик қилди. 2 нафар қизи ва куёвлари эса, уларга "беминнат" ёрдам беришди.

Гап шундаки, шу туманда яшовчи Матлуба Жумаева бундан 5 йилча муқаддам якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиб, Жейнов шаҳарчасида жойлашган, Н.Соибназаровга тегишли бинони ижарага олган ҳолда "Анора" номли гўзаллик салони ҳамда келин либослари дўконини ишга туширди. Бунинг учун ижара ҳақи сифатида 300.000 сўм тўлайдиган бўлди.

Шундан сўнг Матлуба опа биноийидек фаолият юритиб келаётганди. Аммо кунлардан бир кун нимадир бўлдию, гўзаллик салонидан 300 АҚШ доллари миқдоридаги пуллар ўғирланди. Бинобарин, туман ИИБ жиноят қидирув бўлими тезкор вакили Жаъфар Даминов ушбу ҳолат билан шуғуллана бошлади. Ўшанда Жаъфар М.Жумаеванинг турмушидан ажрашган қизи Гулзода Арабоева билан танишиб қолганди. Кейинчалик эса, улар бир-бирларини ёқтириб қолишди.

(Давоми 4-бетда) ▶

Оқлов

Етти йилдан сўнг адолат қарор топди

оқланганим учун Президентимиздан беҳад миннатдорман

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Тамаддихона дўконга нисбатан анча катта эканлиги ва савдо ҳажми ҳам шунга яраша кўпроқ бўлгани боис ижарачи мактабимизга энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида ҳақ тўлаши керак эди.

Бу ҳолат ижара шартномаси ва мактаб педагогик кенгашининг 2011 йил 10 ноябрдаги 2-сонли баённомасида ўз ифодасини топган. Аммо энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида ижара ҳақи тўлаш С.Маражабовга маъқул келмай, у 2011 йил декабрь ойининг бошида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага шикоят қилган. Аммо биз бундан бехабар бўлганмиз.

Буни қарангки, С.Маражавоб 2011 йил 15 декабрь куни 500.000 сўм накд пулни ижара ҳақи ҳисобидан менга берди. Бироқ тегишли идора ходимлари мен бу пулни гўёки пора тариқасида олаётганлигимда айблашди. Негаки, С.Маражабовнинг аризасига биноан тезкор тадбир уюштирилган экан. Оқибатда, менга нисбатан Жиноят кодексининг 210-моддаси 3-қисми "б"-банди билан жиноят иши қўзғатилди.

Бундан ташқари тезкор тадбирдан сўнг Молия вазирлигининг Фарғона вилоят назорат тафтиш бошқармаси мутахассислари томонидан мактабимизда текшириш ҳам бошланган. Пировардида, текшириш хулосаси асосида менга Жиноят кодексининг яна бир қатор моддалари билан ҳам айблов эълон қилинди. Натижада жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2012 йил 28 майдаги ҳукмига биноан, Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми "б, в, г"-бандлари, 206-моддаси 2-қисми "в"-банди, 209-моддаси 2-қисми "а"-банди билан айбдор деб топилиб, кодекснинг 57 ва 59-моддалари тартибида 3 йил муддатга моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳамда ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига тортилдим. Шу боис иш фаолиятимни оддий ўқитувчи сифатида давом эттирдим.

Кейинчалик, яъни 2013 йил август ойида жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон туман суди томонидан Жиноят кодексининг 45-моддаси (муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш) асосида қўшимча равишда тайинланган 3 йил муддатга моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси олиб ташланди ҳамда судланганлик ҳолатим тугалланди. Чунки Жиноят кодексининг 78-моддаси "в"-бандида жарима жазоси ижро этилган кундан кейин, шунингдек, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазолари ўталганидан кейин бир йил ўтгач, шахснинг судланганлик ҳолати тугалланиши белгиланган. Пировардида 2013 йил 10 октябрда яна мактаб директори лавозимига тайинландим. Энг муҳими, аввалгидек эзгу мақсадим йўлида, яъни педагогик жамоанинг бошини қовуштириб, ёшларни комиллик сари етаклашда давом этдим.

Шуни эътироф этмоқчиманки, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида "Бугунги кунда юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қонуний ҳимоя қилиш бўйича салмоқли ишлар қилинмоқда. Жумладан, шахсни айблашда қонунга зид усулда олинган маълумотлардан далил сифатида фойдаланганлик учун қатъий жавобгарлик белгиланди. Фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор такрорлайман: судьянинг онгида — адолат, тилида — ҳақиқат, дилида — поклик ҳукмрон бўлиши керак" дея таъкидлаган фикрларидан руҳий қувват олиб, ҳимоячим Б.Тиллабоев билан бирга жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судига кассация шикоятини бердик.

Кассация суди мажлисида менинг айбсиз эканлигим тўлиқ ўз исботини топди. Бинобарин, суд 2019 йил 24 январдаги ажрими билан жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2012 йил 28 майдаги ҳукмини бекор қилиб, мени оқлади. Яъни жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди 7 йилдан сўнг адолатни юзага чиқариб, мен ва оиламнинг шаънини ҳимоя қилди, қўни-қўшни, маҳалла-кўй, қариндош-уруғ, ҳамкасбларим ва ёру дўстларим олдида юзим ёруғ бўлди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида 2019 йилнинг ўзида 859 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилганини таъкидлаганида ана шу инсонлар орасида ўзим ҳам борлигим учун жуда тўлқинланиб кетдим. Бинобарин, Президентимиздан беҳад миннатдорман.

Рустамжон ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон туманидаги 49-умумтаълим мактаби директори,
Халқ таълими аълочиси

Ангор туманида суд қароридан бўйин товлаб фарзандлари олдидаги бурчини унутган оталар учун сайёр суд мажлислари ўтказилди.

Сайёр судда алимент тўлашдан бўйин товлаган уч отага нисбатан озодликдан маҳрум этиш, 13 нафарига эса, маъмурий қамоқ жазоси тайинланиб, икки оила яраштириди

Жиноят ишлари бўйича Ангор тумани суди ва маъмурий суди томонидан ташкил этилган сайёр судда вояга етмаган фарзандлари учун алимент қарзларини тўламаётган шахслар кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама этилди.

Фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судининг 2014 йил 18 февралдаги буйруғига асосан, Ў.Жўраевдан вояга етмаган уч нафар фарзандининг моддий таъминоти учун алимент ундириш белгиланган. У бурчини ўз вақтида бажармагани боис Ангор туман маъмурий суди томонидан беш сутка маъмурий қамоқ жазосига тортилган. Бироқ алиментчи ота бу жазодан тўғри хулоса чиқаришни — 17 миллион 114 минг сўм пулни фарзандлари учун тўлаб беришни хаёлига келтирмади.

Сайёр суд мажлисида Ў.Жўраев белгиланган алимент пулини тўлашдан қасддан бўйин товлаб келганликда айбдор, деб топилиб, унга нисбатан 1 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Эндиликда жазо муддатини ўташ даврида олган иш ҳақи ҳисобидан уч нафар фарзандининг ризқи ҳам тўлаб борилади.

Суд жараёнида Ў.Жўраевга ўхшаган яна икки нафар алиментчи отага Жиноят кодексининг 122-моддаси 1-қисми билан тегишли жазо тайинланди.

Шу куни Ангор тумани маъмурий суди томонидан алимент пулларини ўз вақтида тўламаган 13 нафар отанинг қилмишлари ҳам кенг жамоатчилик иштирокида атрофлича муҳокама этилиб, уларга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаларига мувофиқ ўн беш сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланди. Бу жазо ҳам "қўли қаттиқ" оталарни вояга етмаган фарзандлари учун алимент тўловини тўлашдан озод этмайди.

Оилавий муносабатларда меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик каби улуғ фазилатлар миллатимизга хос юксак қадриятдир, дейди Мажбурий ижро бюроси Сурхондарё вилояти бўлими катта инспектори Қ.Турсунов. Аждодларимизнинг бу қадриятларни улуғлаб келишида чуқур мазмун бор. Афсуски, айрим бемеҳр оталарнинг фарзанди келажаги ва унинг моддий таъминоти қизиқтирмай қўйгани ачинарлидир. Бу қуср баъзи ота-оналарнинг турмушда ўзларига юклатилган вазифаларни маълум даражада уддалаёлмаётгани оқибатида юзага келмоқда, десак хато бўлмайди. Ушбу сайёр суд якунида оқибатсиз оталарнинг боши ҳам бўлиб, жазони ижро этиш муассасасига йўл олгани кўпчилик иштирокчилар кўнглини беихтиёр юмшатиб юборди. Бунга гувоҳ бўлган алиментчи оталар бу ҳолатдан тўғри хулоса чиқарса ажаб эмас.

Сайёр судда Мажбурий ижро бюроси Ангор туман бўлими иш юритувида бўлган иккита оиланинг ижро ҳужжатлари ҳаракатдан тўхтатилди. Улар суд жараёнида иштирок этган кенг жамоатчиликнинг тушунтириш-тарғибот ишлари, қимматли маслаҳатлари асосида, ўз ҳоҳишларига кўра, ярашиб олди. Оқсоқоллар фарзандларининг тақдирига бефарқ бўлмаган бу ота-оналар оиласининг мустаҳкам, серфайз бўлишини тилаб, дуога қўл очди.

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Охир-оқибат иккаласи кунда-кунора учрашишмаса, туролмайдиган бўлиб қолишди. Айниқса, 2019 йил январь ойида Матлуба Жумаева бетоб бўлиб, гўзаллик салонидаги ишларни Гулзода юрита бошлагач, унинг Жаъфар билан учрашиши учун янада кўпроқ имконият туғилди.

2019 йил 1 апрель куни ҳам худди шундай бўлди. Ж.Даминов аввалига Г.Араббоева билан қўнғироқлашиб, сўнг соат 15^{00} лар атрофида гўзаллик салонига кириб келди. Бу маҳал гўзаллик салонида Гулзоданинг ёлғиз ўзи, келин либослари дўконида эса, холаваччаси Шоира Мухторова бор эди. Гарчи Шоира Жаъфарнинг келганидан аччиқланса-да, Гулзода йигит билан бемалол чақчақлашиб ўтираверди. Бироқ маълум муддат суҳбатлашишгач, Жаъфар уни бағрига босиб эркалай бошлади. Шунда кутилмаганда, хонага Нуриддин ака қизлари ва куёвлари ҳамда жияни Ҳакимжон билан бирга бостириб кириб келди.

— Дарров буларни видеога ол, бошқалар ҳам бир кўриб қўйишсин иккаласи бу ерда нима ишлар билан шуғулланаётганини, — дея буюрди Н.Соибназаров жиянига.

Шунга кўра, Ҳ.Толипов Ж.Даминов ва Г.Араббоевани телефонига видеотасвирга ола бошлади. Ўша маҳал шовқин-суронни эшитиб, келин либослари дўконидан Шоира ҳам чиқиб келди.

— Нима гап, тинчликми?, — деб сўради у саросимада турган холаваччасидан.

Шу маҳал Н.Соибназаровнинг қизи Малоҳат Соибназарова унга ўшқира кетди.

— Сен ҳам унинг шеригисан. Ундан ўтиб, қаерга борардинг, — деди ҳақорат қилиб.

Лекин Ш.Мухторова Гулзодани тинчлантирмоқчи бўлаётгани учун Малоҳат билан ади-бади айтишиб ўтирмади.

Шундан сўнг Нуриддин Соибназаров шарт қўйди:

— Мени бу фуқаро зўрламоқчи бўлди, деб ариза ёзиб берасан, — деди у аввал Гулзодага. Кейин эса, Жаъфарга юзланди: — Сиз эса, командир буни тан олиб ёзиб берасиз. Йўқса, олинган видеони тарқатиб юбораман.

Албатта, ўзи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходими бўлгани боис Ж.Даминов Н.Соибназаровнинг талаби очиқ-ойдин товламачилик эканлигини яхши биларди. Аммо оиласи, ҳамкасблари, таниш-билишлари олдида шарманда бўлиши, шунингдек, Г.Араббоеванинг шаънини ўйлаб, бино соҳибининг талабини бажарди. Ўз навбатида, Гулзода ҳам ота-онаси ва маҳалла-кўй ҳамда Жаъфарнинг оиласи олдида шарманда бўлишдан қўрқиб, Нуриддин ака айтганидек қилиб тилхат ёзиб берди. Ҳатто Н.Соибназаров Шоирани ҳам қўрқитиб, ундан "Жаъфар Гулзодани зўрлаганини кўрдим", деган мазмунда тилхат ёздириб олди. Бироқ у бу билан кифояланмади. Яъни Ж.Даминовга яна шарт қўйди:

— Сиз ҳам танийсиз, Отабек Тошевнинг мендан ўн миллион сўм қарзи бор. Шуни ундириб берасиз. Йўқса, видеотасвирни бошлиғингизга топшираман. Ҳам шарманда бўласиз, ҳам ишдан ҳайдаласиз.

— Сен эса, — Г.Араббоевага қараб сўзида давом эди Нуриддин Соибназаров. — Энди юз доллардан ижара ҳақи тўлайсан.

У шундай деб Гулзода, Жаъфар ва Шоирадан тилхат ёздириб олгач, ҳудуд профилактика инспекторини чақиртирди.

— Кўриб қўйинг ҳамкасбингизни, уни мана бу қиз билан ушлаб олдик, — деди бироздан кейин етиб келган профилактика инспектори Элмурод Қодиралиевга Гулзодани кўрсатиб.

Бу гапни эшитиб, Э.Қодиралиев ҳайрон бўлди.

— Сен яхши қиз эдинг-ку, нима қилиб қўйдинг?, — деб сўради инспектор Г.Араббоевадан ҳолатга яна-да ойдинлик киритиш учун. Лекин қўрққанидан ҳанузгача ўзига келолмаган қиз лом-мим деёлмади. Бинобарин, профилактика инспектори Н.Соибназаровга савол билан юзланди:

— Сиз нега тилхат ёздириб олдингиз?

Бунга жавобан Нуриддин ака тилхатларни ўзида сақлаш учун олганини айтди, холос. Шунинг учун Э.Қодиралиев унинг асл мақсадини сезиб, воқеа юзасидан қонуний йўл тутди. Яъни у 2019 йил 2 апрель куни ушбу ҳолат хусусида туман ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари О.Қаюмовга хабар берди. Натижада бошлиқ ўринбосари Н.Соибназаров ва воқеанинг барча иштирокчиларини ИИБга чақиртирди. Аммо хижолату шармандаликдан қўрққан Гулзода бўлимга боролмади. Аксинча, Жаъфар билан учрашиб, унга ялиниб-ёлворди:

— Мени бирор жойга олиб кетинг. Бўлмаса, ўзимни бир нима қилиб қўяман, — деди ўз жонига қасд қилишга шаъма билан.

— Йўқ, ундай қилма. Мен сенга уйланмоқчиман, ахир, — дея уни тинчлантирди Ж.Даминов. Аммо...

Аммо эртаси куни Г.Араббоева гўзаллик салонининг темир панжарасига осилган ҳолда топилди. Оқибатда Нуриддин Соибназаров ва Ҳакимжон Толиповларга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди. Жиноят ишлари бўйича Касби туман суди эса, Н.Соибназаровни Жиноят кодексининг 103-моддаси 2-қисми "а"-банди, 141^1-моддаси 2-қисми "а, б"-бандлари, 165-моддаси 1-қисми (товламачилик), Ҳ.Толиповни кодекснинг 141^1-моддаси 2-қисми "а"-банди билан айбдор деб топиб, Н.Соибназаровга озодликдан маҳрум қилиш, Ҳ.Толиповга озодликни чеклаш жазосини тайинлади. Шунингдек, суд ҳукмига биноан, Ҳ.Толипов томонидан гаров эвазига топширилган 5 миллион сўм жабрланувчининг ота-онасига маънавий зарарни қоплаш учун ундирилди.

Албатта, бу ҳаётда ўзганинг шахсий ҳаётига аралашишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Буни қарангки, тергов жараёнида Жаъфар Даминовнинг уяли телефони хотираси текширилганда унинг Г.Араббоева билан ёзилган турли ишқий номалар, шу билан бирга, муқаддам бошқа аёлларга ҳам кўз олайтиргани ўз тасдиғини топди. Бинобарин, суд мажлисига қадар у ички ишлар органлари сафидан хизматдан бўшатилган. Шунга қарамай, суд келгусида ана шундай салбий ҳолатлар такрорланмаслигини таъминлаш мақсадида туман ИИБ бошлиғи номига тақдимнома киритди.

Хулоса қилиб айтганда, халқимизда "Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир", деган пурмаъно ҳикмат бежизга қўлланилмайди. Калта фикрлаш, бировнинг шахсий ҳаётига дахл қилишга қаратилган "ўйин"дан ўт чиққани бошқа шунга ўхшаш ҳаётга енгил қарайдиган тоифадаги кимсаларга сабоқ бўлмоғи керак. Ушбу мақолада жиноий кирдикорлик тафсилотларига бафуржа тўхталишимизнинг боиси ҳам шундадир.

Маҳфират ОЧИЛОВА,
жиноят ишлари бўйича Касби тумани судининг раиси
Хуршид СУЛТОНОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

ёш аёлнинг ўлимига сабаб бўлди

Аёллардан иборат жиноий гуруҳ фош бўлди...

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Мазкур сайт ва унинг имтиёзларини тарғиб қилиб, 95 нафар жабрланувчиларнинг жами 71 минг 200 АҚШ доллари миқдоридаги маблағни қабул қилиб олган. Ҳар бир фуқародан олинган 300 АҚШ долларнинг 50 АҚШ долларини электрон пулга айирбошлаб, фуқаро юқоридаги сайтга рассмийлаштириш учун ўтказиб, қолган 250 АҚШ долларини "матрица"нинг юқори босқичдаги аъзоларига тарқатиб бериб, пул маблағларини ва бошқа мол-мулкни жалб этишга доир ноқонуний фаолият олиб борган.

— С.Маҳмудова ва бошқаларнинг ушбу ноқонуний фаолияти "Appi travels.com" ва мамлакатимиздаги "Appi Life" масъулияти чекланган жамияти билан боғлиқ эмас, — дейди жиноят ишлари бўйича Кува туман суди раиси Зафаржон Омонов. — Судланувчилар халқаро провайдернинг сервис хизматлари, ўқув дастури, маркетинг режаларини тўлиқ ўрганиб, ҳар бир келаётган фуқаро билан шартнома асосида виза карта орқали тўловларни электрон тарзда амалга ошириб, иш юритиши ва фуқароларга "онлайн" туризм хизматлари ҳақида тўлиқ ахборот бериши керак эди. С.Маҳмудова юқоридаги талабларни бажармай, жиноий шериклари билан бирга ўз маркетинг режасини ишлаб чиқиб, ҳар бир фуқарони ўзи таклиф қилган фуқаро фамилиясига тиркаб ёзмай, уларни бошқа бир фуқаронинг ҳиссасига ёзиб юбориши оқибатида аввалги фуқаро даромад олмай қолган. Нотўғри фаолият олиб бориши натижасида кўплаб фуқаролар норози бўлган, чунки уларни ҳеч қандай даромадсиз қолдиришган ва юқоридаги жиноят содир бўлган.

Ачинарлиси, судланувчиларнинг аксарияти хотин-қизлар бўлиб, улар орасида шифокор ва ўқитувчилар ҳам бор. Ишни судда кўриш давомида етказилган моддий зарарнинг кўп қисми қопланди. Суд ҳукмига кўра, уларнинг қилмишидан пушаймонлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси томонидан уларга кафиллик берилганини эътиборга олиб, судланувчи аёлларга шартли жазо, Ф.Мўйдиновга эса, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

ЎзА материаллари асосида тайёрланди.

Куч — адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Козимджан КАМИЛОВ, Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ, Икрам МУСЛИМОВ, Замира ЭСОНОВА, Холмўмин ЁДГОРОВ, Олим ҲАЙИТОВ, Бахтиёр ИСАКОВ, Азиз МИРЗАЕВ, Светлана АРТИКОВА, Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир: Сардор ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (0 371) 239-02-55, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-223. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 10569
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 23^{30}. Топширилди: 3^{30}.